



O'ZBEKISTON TEMIRYO'LCHILARINING GAZETASI

2025-yil • 18-dekabr • payshanba • № 50 (6579)

Temir yo'llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

СУВ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУХОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга 15 декабрь куни сув хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишлари юзасидан ахборот берилди.

Аввало, эскирган ва энергия сарфи юқори насос агрегатлари ни замонавий, энергия тежамкорларига алмаштириш бўйича режалар кўриб чиқилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 274 та насос станцияси мавжуд бўлиб, улар орқали 185 минг гектардан ортиқ ер майдонлари суғорилмоқда. Станциялардаги насос агрегатларининг ярмидан кўпи 1979 йилдан буён ишлаб чиқарилган ускуналардан иборат, уларнинг энергия сарфи замонавий насосларга нисбатан 2-3 баробар юқори.

Кегейли туманидаги эски агрегатлардан бири замонавий энергия тежамкорига алмаштирилганда, электр энергиясининг сарфи икки баробарга камайган.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, Қорақалпоғистондаги 276 та насосни босқичма-босқич замонавий энергия тежамкор агрегатларга алмаштириш режалаштирилган. Натижада йиллик 25 миллиард сўмга тенг электр энергияси иқтисод қилиниши ва лойиҳа сарф-харажатлари 14 ой ичида ўзини оқлаши таъкидланди.

Бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Тошкент ирригация университетиде эришилган натижалар ва келгусидаги режалар тўғрисида маълумот берилди.

Ҳозирги кунда университетда 8682 нафар талаба таҳсил олмақда, 571 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда, илмий салоҳият даражаси 73,5 фоизни ташкил этади.

Университет халқаро рейтингларда юқори натижаларга эришиб, "THE World University Rankings 2026" рейтингиде дунё университетлари орасида 501-ўринни, Марказий Осиё ва Кавказorti мамлакатлари бўйича 2-ўринни, Ўзбекистонда 1-ўринни эгаллади, "QS World University Rankings 2026" натижаларига кўра эса 469-ўринга кўтарилди.

Ўтган йилда университет ҳудудида 200 ўринли замонавий ИТ маркази барпо этилди, рақамли кутубхона ва регистратор офиси фаолияти йўлга қўйилди. Университетнинг таълим йўналишлари беш йил муддатга халқаро аккредитациядан ўтказилди. Ўқув жараёнига дунёнинг ТОП-300 талигидеги университетларни битирган юртдошларимиз ва хорижий профессорлар жалб қилинган.

Келгусида иқлим ўзгаришини таҳлил қилиш учун рақамли технологияларга асосланган миллий платформа яратиш, университет ҳудудида космик кузатув станциялари барпо этиш, сунъий йўлдош маълумотларини қабул қилиш инфратузилмасини ривожлантириш режалаштирилган.

Шунингдек, университетнинг "Сув дипломатияси" магистратура йўналишига халқаро мақом бериш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари Тошкент ирригация университетини дунёнинг ТОП-300 талик университетлари қаторига киритиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни топширди.

Тақдимотда халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, сўнгги ойларда Тошкент шаҳри ичимлик суви ва оқова хизматларини яхшилашга бағишланган биринчи Марказий Осиё конференцияси ҳамда Сув кодексининг кучга киришига бағишланган халқаро конференцияга мезбонлик қилди.

Ушбу тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида келгуси йил март ойида Тошкент халқаро сув ҳафталигини ўтказиш режалаштирилгани маълум қилинди. Форум халқаро институтлар ва минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, сув ресурсларидан оқиллона фойдаланиш ва "яшил" технологияларни жорий этиш бўйича мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Ушбу тадбирни юқори савияда ўтказиш ва келгуси йилда Оролбўйи ҳудудида сув тежаш технологияларига бағишланган халқаро форумга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Prezident.uz

“HYUNDAI ROTEM” КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ БИРИНЧИ ПОЕЗДНИ ЖЎНАТДИ



ЖАНОУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЧХАНВОН
ШАҲРИДАГИ “МАСАН” ПОРТИДА
ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН “HYUNDAI ROTEM” ЮҚОРИ
ТЕЗЛИКДАГИ ПОЕЗДЛАРИНИНГ БИРИНЧИ
ПАРТИЯСИНИ РАСМИЙ ЖЎНАТИШ
МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маросимда Корея ҳукумати вакиллари ва Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Ходжаев бошчилигидаги делегацияси ҳамда “Hyundai Rotem” компанияси раҳбарлари иштирок этди.

“Жалолиддин Мангуберди” номи берилган Ўзбекистоннинг янги юқори тезликдаги темир йўл паркиннинг биринчи поезди “Hyundai Rotem” томонидан Ўзбекистон темир йўллари билан 2024 йил июнь ойида имзоланган шартнома доирасида ишлаб чиқарилди.

Корея Республикасининг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан Ўзбекистон учун ишлаб чиқарилган юқори тезликдаги поездлар Тошкент – Урганч – Хива йўналишида ҳаракатланади. Шу кунгача ушбу масофа поездларимизда 14 соатни ташкил этган бўлса, “Hyundai Rotem” поездлари ҳаракатга қўйилиши билан мазкур масофа вақти деярли икки баробарга қисқаради. Халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган бу лойиҳалар, аввало, давлатимиз раҳбарининг темир йўл тармоғидаги ислохотлари натижасидир.

Маълумки, Ўзбекистон Корея Республикасининг “Hyundai Rotem” компаниясидан 6 та юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд сотиб олишни режалаштирган эди. Уларнинг биринчиси муддатидан уч ой аввал мамлакатимизга жўнатилди. Корея Республикасининг “Hyundai Rotem” компанияси томонидан Ўзбекистон учун махсус ишлаб чиқарилган ва соатига 250 километр тезликка эриша оладиган поездларнинг бир қисми Чханвон шаҳридан мамлакатимиз томон йўлга чиқди.

Давоми 2-бетда

ЖАРАЁН

ТУРКМАНБОШИ ПОРТИ ОРҚАЛИ ЕВРОПАГА КОНТЕЙНЕР ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 декабрдаги “Темир йўл соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш тўғрисида”ги 70-сонли фармойишида Ўзбекистондан Туркманбоши портларига график асосида блок поездлар қатновини йўлга қўйиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Мазкур топшириқ ижроси доирасида жорий йилда “Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамияти томонидан Туркманбоши порти орқали Европа давлатларига йўналтирилган контейнер ташувлари йўлга қўйилди. Хусусан, минерал ўғитлар, калий, карбамид, алюминий ва мис каби юклар ортилган жами 18 та блок поезди муваффақиятли жўнатилди.

Жумладан, 2025 йил давомида “Сергели” станциясидан 380 та контейнер, “Назарбек” станциясидан 228 та контейнер ва “Асака” станциясидан 25 та контейнер Европанинг Италия, Греция, Туркия, Болгария, Швейцария, Озарбайжон ва бошқа қатор мамлакатларига етказиб берилди.

Мазкур йўналишда блок поездлар қатновининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт-логистика тизимини диверсификация қилиш ҳамда халқаро транспорт коридорларидаги рақобатбардошликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

“ЎЗТЕМИРЙЎЛКОНТЕЙНЕР” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 8 ТА ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ХАЛҚАРО ҚУРУҚЛИК ПОРТИ ТАРКИБИГА КИРИТИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (UNESCAP) томонидан Бангкок шаҳрида ўтказилган “Қуруқлик портлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим”нинг 6-ишчи гуруҳ йиғилишида Ўзбекистон учун муҳим натижалар эълон қилинди.



“O'ZTEMIROY'LKONTEYNER” AJ
LOGISTIKA MARKAZLARI XALQARO
QURUQLIK PORTLARI TARKIBIGA
KIRITILDI

Йиғилиш якунларига кўра, “Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамияти таркибидеги 8

та – Жиззах, Кўқон, Марғилон, Роустон, Улўғбек, Термиз, Бухоро ва Нукус логистика марказ-

лари БМТ таснифи бўйича “Қуруқлик порти” мақомини олиш учун зарур бўлган халқаро ме-

зонларга тўлиқ жавоб бериши расман қайд этилди.

Мазкур объектларнинг халқаро рўйхатга киритилиши Ўзбекистоннинг глобал транзит тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақавий юк оқимларининг марказий бўғини сифатидаги салоҳиятини ошириш ҳамда мамлакатнинг транзит-логистика имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Логистика марказларининг қуруқлик порти сифатида тан олинishi уларнинг мультимодал ташувларни ташкил этиш, божхона расмийлаштируви, терминал ва экспедиторлик хизматлари, контейнерларни қайта ишлаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда юқори операциял кувватлар каби халқаро талабларга мувофиқ фаолият юритаётганини тасдиқлайди.

“HYUNDAI ROTEM” КОМПАНИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ БИРИНЧИ ПОЕЗДНИ ЖЎНАТДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

“Hyundai Rotem” компанияси бош техник директори ва илмий тадқиқот институти раҳбари Ли Вон Сан “Биз вагонларни Ўзбекистон шароитига мос равишда шакллантирдик ва сифати бўйича SR тезюрар поездлари билан бир хил даражадаги моторли вагонли юқори тезликда ҳаракатланувчи поездни ишлаб чиқардик. Вагонларни бутунлай янгидан лойиҳалаштириб, комбинациялашган синов ускуналарини етарлича синовлардан ўтказиб, маҳаллий шaroитларга тўлиқ мослаштирилган поездни яратдик”, – деди.

Тошкент – Урганч – Хива йўналиши учун мўлжалланган ва “Жалопиддин Мангуберди” номи берилган етти вагонли поезд муддатидан олдин – 17 ойда қуриб, битказилди.

– 2026 йилнинг биринчи ойида, яъни январда ушбу замонавий поезднинг биринчи таркиби юртимизга



га кириб келиши режалаштирилган, – дейди “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи Санжар Абдухалилов. – Уч ойлик динамик текширувлардан сўнг 2026 йилнинг иккинчи чорагида илк тижорий қатновларни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. “Hyundai Rotem” компаниясининг юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлари Ўзбекистоннинг иқлим шароитига тўлиқ мослаштирилган. Яъни 50 ҳароратдаги иссиқлик ҳамда 40 даражадаги совуқликда ҳам ишончли ҳаракатлашни имконига эга.

“Hyundai Rotem” компанияси томонидан етказиб бериладиган юқори тезликдаги поездлар 6 та таркибдан иборат. Ушбу поездлар Ўзбекистон маҳаллий иқлимига мослаштирилган бўлиб, ҳар бир поезд таркибининг узунлиги 175 метр, сизими 389 ўрингача. Поездлар Ўзбекистон иқлими учун махсус ишлаб чиқилган бўлиб, чангга, ҳаддан ташқари юқори ва паст ҳароратларга, қум бўронларига чидамли тизимлар билан жиҳозланган ҳамда узоқ масофаларга қатнов учун мўлжалланган.

Мамлакатимизда янги авлод поездларининг йўлга қўйилаётгани соҳадаги ислохотларни ўзида акс эттиради, бу эса нафақат аҳолига қулайлик яратиш, балки туризм имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда.

Мамлакатда адолатнинг ўстуворлиги, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ва жамиятнинг давлатга бўлган ишончи – барчаси одил судлов тизимига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси айнан шу тамойилларнинг ҳуқуқий пойдеворини белгилайди. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судларнинг фақат қонунга бўйсунishi ва фавқулодда судларни тузишга йўл қўйилмаслиги – демократик давлатнинг ажралмас белгиси сифатида мустаҳкамланган.

ОДИЛ СУДЛОВЛИК – ДАВЛАТ МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ АСОСИ

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги – Конституциянинг асосий талаби.

Хусусан, Конституциянинг 130-моддасига кўра:

“Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади”.

Бу норма, биринчи навбатда, суд ҳокимиятининг бошқа тармоқлардан – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, шунингдек, сиёсий партиялар ва жамоатчилик институтларидан мустақиллигини қатъий кафолатлайди.

Нега мустақиллик муҳим? Адолатсиз ёки босим остидаги суд – инсон ҳуқуқларини поймол қилади. Мустақил суд – фуқаролар ҳуқуқларининг энг асосий ҳимоячиси. Сиёсий қучларнинг судга таъсирини чеклаш – давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади ҳам айнан шу – мустақил, ҳолис ва профессионал суд тизimini шакллантириш.

Суд тизимининг тартиби фақат қонун билан белгиланади.

Хусусан, Конституциянинг 131-моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд тизими ва судлар фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланади” дейилган.

Бу норма давлатимизнинг ихтиёрий ёки сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, судлар тузишига йўл қўйилмаслигини билдиради. Бунда судлар фақат қонун асосида, белгиланган тартибда ташкил қилинади ва фаолият юритади.

Амалий аҳамиятига тўхталадиган бўлсак, судлар фаолиятининг аниқ ҳуқуқий асослари яратилади, фуқаролар қайси судга мурожаат қилиши, ишлар қайси тартибда қилиниши олдиндан билдирилади ва ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатлар аниқ белгиланган бўлади.

Конституцияда фавқулодда судларга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, бу халқаро демократик стандартларга тўлиқ мос келади. Чунки фавқулодда судлар одатда, тезкор, адолатсиз, сиёсий буюртма асосида ишлайдиган, жараёнларни яширин ўтказадиган суд органлари бўлади. Давлатимиз бундай ёндашувни қатъиян рад этади. Бу эса инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлайди, ҳар бир шахснинг адолатли судланиш ҳуқуқини кафолатлайди, суд қарорларининг очиқлиги ва шаффофлигини мустаҳкамлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, судларнинг мустақиллиги, уларнинг фаолияти фақат қонун билан тартибга солиниши, фавқулодда судларнинг тузилмаслиги каби энг муҳим демократик принципларни мустаҳкамлайди. Бу эса нафақат ҳуқуқий нормалар, балки жамиятнинг давлатга бўлган ишончини кучайтирувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи конституциявий кафолатлар ҳисобланади.

Р.РАШИДОВ,
Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси

КАСБ ФИДОЙИЛАРИ

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ШИФОКОРИ ЭКАНЛИГИМДАН МИННАТДОРМАН

Ҳеч эътибор берганмисиз, жарроҳлар ичида эркаклар аёлларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Сабаби, шифокорликнинг ушбу йўналиши оғир масъулият, катта чидамлик ва матонатни талаб қилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти Марказий клиник касалхонаси филиали жарроҳлик бўлими мудри Жавлонбек Оллаберганов ана шундай матонатли, шу билан бирга самимий ва меҳрибон шифокорлардан. Унинг фикрича, шифокор ҳузурига даво истаб мурожаат қилган ҳар бир беморга яқин қариндошидек – ака-укаси, опа-сингиси ёки жигаридек муносабатда бўлиш лозим. Бемор дардига даво топишда, энг аввало, оддий ва тезкор чоралар қўлланилиб, зарурат туғилган тақдирдагина энг сўнгги, илмий жиҳатдан самарали ва ижобий натижа берувчи усулларгача бўлган барча амалиётлар қилиниши ҳамда унинг соғлом ҳаётга қайтишига қўмаклашиш керак.

Келинг, яхшиси бу йил хизматларига яраша “Фахрий темирйўлчи” белгисига сазовор бўлган ушбу жарроҳ шифокоримиз билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– **Жавлонбек ака, сизни кўпгина темирйўлчиларимиз яхши танишади, уларга ўзингиз ҳақингизда янада кўп**

роқ маълумот бериб ўтсангиз...

– Мен 1978 йил Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилганман. 2002 йил Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали “Даволаш” факультетининг умумий амалиёт шифокори мутахассислигини тамомлаб, 2002-2005 йиллар давомида Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг жарроҳлик мутахассислиги бўйича магистратура йўналишида таҳсил олганман. Москвада жарроҳлик бўйича икки маротаба малака оширишда бўлганман.

– **Жарроҳлик касбини танлашингизга кимлар ва нима сабаб бўлган?**

– Аслида мен шифокорлар oilасида туғилганман. Отам жарроҳ, онам гинеколог бўлганлар. Опам онамининг йўналишини танлаган, катта синглим ҳам шифокор. Мен кўпроқ жарроҳликка қизиққанман. Отамнинг олдиларига кўплаб ҳар хил ҳолатдаги беморлар нажот истаб келарди. Отам уларга дарҳол ёрдам бериб дардларини енгиллаштира эди. Менга бу жараёнларни кузатиш жуда қизиқ бўларди. Отам соҳага оид бўлган кўплаб китобларни мутолаа қилардилар, мен эса уларни келтириб берардим ва ҳар бирини varaқлаб, ўқиб чиқардим. Китобларни ўқиганим сари жарроҳликка бўлган қизиқишим кучайиб бораверар, менда янаям кўпроқ саволлар туғилар ва уларни жавобларини топиш учун тинмай изланар эдим. Шу тариқа шифокорлик касбига, жарроҳлик йўналишига кириб келганман.

Илк меҳнат фаолиятимни 2005 йил 15 сентябрда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Марказий клиник касалхонасида жарроҳлик бўлими шифокори сифатида бошлаганман. Мана

20 йилдан буён ушбу касалхонада ишлаб келмоқдаман.

– **Билишимча, фарзандларингиз орасида ҳам шифокорлик касбини танлаганлар бор экан...**

– Шундай, эгизак қизларимнинг бири шифокор-лаборант, бири стоматолог. Ўғилларимнинг бири И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети талабаси, кичиги ҳали мактаб ўқувчиси, лекин унинг темир йўл соҳасига, поездлар ҳаракатига қизиқиши катта. Турмуш ўртоғим Наргиза шифокор-рентгенолог. Биз фарзандларимизни касб танлаш борасида ҳар доим хоҳишига қараганмиз ва уларнинг қарорини кўплаб-қувватлаганмиз.

– **Бугунги кунда фаолиятингиз давомида, жарроҳлик амалиёти бўйича қандай ишларни амалга оширмоқдасиз, уларни ижобий натижадорлиги қай даражада?**

– Умуман олганда касалхонамизда трансплантация амалиётидан ташқари барча шошилинч, режали операциялар амалга оширилади. Бу борада нафақат темирйўлчиларимиз, балки фуқаролар, юртдошларимиз бизни хизматимизга катта ишонч билдирган ҳолда кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Операцияларимизнинг натижадорлиги 90 фоизни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда чурра ва кисталарни олиб ташлаш, ошқозонни кичрайтириш ва бошқа жарроҳлик амалиётларининг 90 фоизи лапароскопик усулда, яъни қорин бўшлиғи ёки тос аъзоларини кичик кесмалар орқали ташхислаш ва даволаш учун ишлатиладиган кам инвазив усулда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ушбу усул бутун дунё тиббиётида, жарроҳлик амалиётида кен



қўлланилиб келинмоқда. Марказий клиник касалхонасида ҳам ушбу усул орқали жарроҳлик амалиётини ўтказиш аллақачон йўлга қўйилган. Бундай амалиётнинг енгиллик томонларидан бири операциядан сўнг оғриқлар даражасининг кам миқдорда бўлишидир.

– **Сўнгги вақтларда айнан темир йўл соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Булар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

– Тўғри, ҳукуматимиз ҳамда темир йўл раҳбарияти томонидан ишчиларимизнинг саломатлиги ва уларни даволовчи соҳа ходимларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, клиникамизнинг моддий-техник базаси янгиланмоқда. Замонавий тиббий жиҳозлар, лапароскопик асбоблар ва ускуналар, 4К технологияси билан таъминланди. Бундан ташқари, давлатимиз томонидан ҳар бир соҳа, касб эгаларига тилни билишларига катта эътибор берилляпти. Чунки биргина чет давлатига мутахассислик бўйича малака оширишга борсангиз, албатта тилни билишингиз ке-

рак бўляпти. Аслида мен мактабда испан тилини ўқиганман. Лекин бугунги кунда инглиз тили – жаҳон тили деб тан олинган. Шу сабабли, ҳозирда Марказий клиник шифохона раҳбарияти томонидан шифокор ва ҳамшираларга қулайлик яратиш мақсадида клиниканинг ўзида инглиз тилини ўргатиш бўйича ўқув курси ташкиллаштирилган. Ҳафтада бир маротаба бўлиб ўтадиган дарсларга мен ҳам фаол қатнашиб, инглиз тилида бемалол сўзлашишга ҳаракат қилмоқдаман. Талабгор ва ўрганувчилар салмоқли ҳиссани ташкил этмоқда. Бунинг учун кучли мутахассис жалб қилинган.

– **Танлаган касбингиздан хурсандмисиз?**

– Албатта, хурсандман. Айниқса, беморларим мен орқали дардига даво тоганини кўрсам жуда хурсанд бўламан. Биласизми, иш жараёнида турли жараҳат олган темирйўлчилар нажот истаб келади, уларга тезкорлик билан муолажалар қиламиз. Кўпчилиги ҳатто ёдимдан чиқиб кетган, уларнинг ўзлари гоҳида мени кўрганда “Сиз даволаган эдингиз”, деб миннатдорчилик билдиришади. Уларнинг соғсаломат эканликларини кўриб хурсанд бўламан. Темирйўлчиларнинг шифокор эканлигимдан, раҳбарият томонидан “Фахрий темирйўлчи” белгисига муносиб кўришганидан миннатдорман. Бундай эътибор мендан янада кўп меҳнат ва изланишни талаб қилади. Темирйўлчиларимиз саломатлиги йўлида барча имкониятларни ишга солиб, келажақда соҳам бўйича олдимга қўйган мақсад ва режаларни амалга ошириш ниятидаман.

Фурсатдан фойдаланиб, кириб келаётган Янги – 2026 йил билан Марказий клиник шифохона раҳбарияти ва жамоаси ҳамда шахсан ўз номимдан барча темирйўлчиларимиз ва уларнинг oilа аъзоларини чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Уларга энг бебаҳо неъмат соғлиқ, хотир-жамлик ва фаровонлик тилайман.

Н.НУРМАТОВА
суҳбатлашди

РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ

ТЕМИР ЙЎЛ ВА МЕТРОПОЛИТЕНДА НАЗОРАТ ЖАРАЁНЛАРИ РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА

Транспорт соҳасида хавфсизлик, шаффофлик ва назорат самарадорлигини ошириш мақсадида темир йўл ва метрополитен йўналишларида рақамлаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.



Бу борада бир қатор меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳамда соҳада замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 94-сон фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузурида-

рини рақамлаштиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида “Ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва инфратузилма объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” ахборот тизими яратилди. Бу Ўзбекистонда темир йўл транспортига тегишли бўлган барча ҳаракатланувчи состав (локомотивлар, вагонлар) ва стационар инфратузилма (кўприklar, туннеллар, станциялар, рельслар) объектларининг ягона реестрини шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва бошқаришни автоматлаштирувчи махсус электрон тизимдир. Бу платформа темир йўл ҳўжалигининг барча активларини ягона базада сақлайди, уларнинг техник ҳолатини, жойлашувини ва инвентаризациясини назорат қилади, бу эса

хавфсизлик ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Тизим Ягона интерактив давлат хизматлари порталига тўлиқ интеграция қилинган бўлиб, вазирлик ва идораларга қарашли темир йўллар ҳамда тадбиркорлик субъектларига тегишли темир йўл ҳаракатдаги таркиби ёки темир йўл инфратузилмаси объектларини масофадан туриб, тезкор ва қўлай тарзда давлат рўйхатидан ўтказиш имконияти яратилди.

Айни пайтда ушбу ахборот тизими орқали жами 11 357 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 10 068 та ҳаракатдаги темир йўл таркиби, 1289 та темир йўл инфратузилмаси объектлари давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича аризалар кўриб чиқилди. Бу эса рақамлаштириш жараёнларининг амалдаги самарадорлигини ва тадбиркорлар учун яратилган қўлайликлар ҳажмини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу билан бирга, янги рақамли платформа темир йўл ва метрополитен объектларида назоратни автоматлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, техник кўрик ва хизмат кўрсатиш жараёнларини электрон тарзда қайд этиш, таҳлил ва мониторинг қилиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Рақамлаштириш жараёнлари назорат фаолиятида шаффофликни ошириш, коррупция омилларини камайтириш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар учун хизмат кўрсатиш тизимини янада соддалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Транспорт назорати инспекцияси Ахборот хизмати

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ЙИЛ ЯКУНИ САРҲИСОБИ



ган “Чорчинор” ҳамда Яккабоғ туманидаги “Сирли коинот” оромгоҳларида таътилни ўтказишди.

Меҳнат шароитларини яхшилаш ва хавфсизлик чораларини кучайтириш

Касаба уюшмасининг асосий масъулиятларидан яна бири меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида хавф омилларини камайтиришдан иборат.

- Иш жойларида профилактик текширувлар ўтказилиб, хавфли участкалар бўйича тавсиялар берилди.

- Аниқланган камчиликлар бўйича раҳбариятга расмий тақдимномалар юборилиб, уларнинг аксарияти бартараф этилди.

- Янги ходимлар учун меҳнат хавфсизлиги бўйича ўқув машғулот-

лари ташкил қилинди.

- Ишчи-ходимларга керакли индивидуал ҳимоя воситалари мунтазам равишда етказиб берилди.

- Эскирган ҳимоя мосламалари янгисига алмаштирилди.

Маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ривожлантириш

Касаба уюшмаси кўмитаси жамоанинг бирлиги, соғлом муҳит ва маънавий юксалишига алоҳида эътибор қаратди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни, 21 март – Наврўз, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорт ходимлари куни, 1 сентябрь – Мустиқлик куни, 1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи ҳамда 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни каби умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали тадбирлар ташкил қилинди. Байрам арафасида кўплаб ишчи-ходимлар кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ходимлар ўртасида “Моҳир ошпазлар”, “Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис”, “Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” каби танловлар ўтказилди.

Театр, музей, тарихий жойларга саёҳатлар уюштирилиб, ходимларнинг маънавий савияси ва билим доираси кенгайтирилди. Шунингдек,

Худудий кўмита тасарруфида узок йил ишлаб, нафақага чиққан пенсионерларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Нафақахўрларга “Етти пир” зиёратгоҳига саёҳат ҳамда байрам арафасида есдалик совғалари тақдим этилди.

Ишчи-ходимлар ўртасида футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка каби спорт мусобақалари ташкил қилинди. Спорт тадбирларининг ғолиблари диплом, пул мукофотлари ҳамда совғалар билан тақдирланди.

Ходимларга санаторий ва соғломлаштириш марказларига имтиёзли йўлланмалар берилди.

Ҳуқуқий маслаҳат ва ходимларнинг мурожаатлари билан ишлаш

Касаба уюшмаси кўмитаси ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда доим очик мулоқот тамойилларига амал қилди. Меҳнат шартномалари, меҳнат қонунчилиги ва ҳуқуқий ўзгаришлар бўйича ходимларга бепул маслаҳатлар берилди.

Ходимлар мурожаатлари мунтазам кўриб чиқилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Йил давомида келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар ўрганилиб, уларнинг аксариятига ижобий ечим топилди.

2025 йил Касаба уюшмаси кўмитаси учун самарали ва мазмунли йиллардан бири бўлди.

Амалга оширилган ишлар:

- ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтирди;
- меҳнат шароитларининг яхшиланишига хизмат қилди;
- соғлом ва маънавий муҳитни ривожлантирди;
- жамоанинг бирдамлигини мустаҳкамлади.

2025 йил давомида амалга оширилган ишлар Касаба уюшмаси кўмитасининг асосий мақсади – ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга муносиб шароит яратиш йўлида олиб борилган изчил фаолиятининг яққол натижасидир. Келгуси йилда ҳам кўмита жамоа билан ҳамкорликда янада кенг қўламли, самарали ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Р.ЯНГИЕВ,
Худудий кўмита ташкилий бўлим етакчи мутахассиси

ФАРМОН ВА ИЖРО

Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ҳамда бизнес юритишда рақобат муҳитини янада ривожлантириш, мамлакатимизда яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳамда бизнесни соядан чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 246-сон фармони қабул қилинди.

НАҚДСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Мазкур фармон билан қуйидагилар 2030 йилга қадар яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгиланди:

- ялпи ички маҳсулотга нисбатан қўзғатилмайдиган иқтисодиёт улушини 1,3 бараварга қисқартириш;
- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳоли томонидан тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш улушини 75 фоизга етказиш;
- иқтисодиётнинг расмий секторида банд аҳолининг жами иқтисодий фаол аҳолига нисбатан улушини 64 фоизга етказиш;
- Иқтисодий эркинлик индекси ва Коррупцияни идрок қилиш индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрни камида 30 поғонага кўтарилишига эришиш.

2026 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагилар учун тўловлар фақатгина банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилиши белгиланди:

- давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;
- электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловлар (бундан банк кассалари орқали амалга ошириладиган тўловлар мустасно);
- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари;
- транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали аҳолига нефть-газ маҳсулотларини сотиш ва электрда ҳаракатланадиган транспорт воситаларини зарядлаш бўйича хизматлар;
- қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар (бундан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари мустасно);
- кўчмас мулк объектлари, ишлаб чиқарилганига ўн йилдан ошмаган М, N, O ва G тоифага кирувчи транспорт воситалари ҳамда махсус автотранспорт воситаларини сотиш ва сотиб олиш. Бунда:
- олди-сотди шартномалари бўйича сотувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китоблар банк ва нотариал органларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумот алмашинуви орқали амалга оширилади (бундан банк кассалари орқали амалга ошириладиган тўловлар мустасно);
- шартномаларни нотариал тартибда расмийлаштириш учун тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари томонидан электрон ахборот алмашинуви воситасида тўловни тасдиқловчи маълумотлар асос бўлади.

Марказий банк 2026 йил 1 январга қадар барча савдо ва хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан электрон тўловларни қабул қилиш учун ягона QR кодни жорий қилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар томонидан банкларда генерация қилинган ягона QR код орқали электрон тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилади.

2026 йил 1 июлдан бошлаб:

- барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахсларда ягона QR кодли тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилиш ҳам мажбурий этиб белгиланади;
- ягона QR кодлардан фойдаланилмаётганлиги савдо қоидаларини бузиш деб ҳисобланади.

Б.МИРЗАЕВ,
ИИБ Транспорт ва ТОХТД ҳузуридаги
Тергов бошқармаси катта терговчиси

ИЖТИМОЙ СОҲА



ХИВАГА САЁҲАТ

Жорий йилнинг 12-14 декабрь кунлари “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни республика-мизнинг тарихий шаҳрлари билан таништириш, бой тарихий меросимизни ўрганиш учун Хоразм вилоятининг Хива шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Саёҳат давомида Хивада жойлашган ЮНЕСКО бутун дунё тарихий обидалари рўйхатига киритилган очик осмон остида жойлашган Ичан Қалъа ноёб меъморий ёдгорлик мажмуаси, Қўхна Арк саройи, Тош ховли саройи, меҳмонхоналари, “Муҳаммад Аминхон”, “Муҳаммад Раҳимхон” мадрасалари, шунингдек, хоразмийлар миллий қаҳрамони Паҳлавон Маҳмуд мак-бараси, “Исломо Хўжа” минораси каби бир қанча тарихий обидалар билан танишдилар.

Сўнг “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали, Ховос узели, Тошкент вагон эксплуатацияси участкаси, Тошкент темир йўл масофаси, “Ўзбекистон” локомотив депоси, “Йўлрефтранс” акциядорлик жамияти, 203-Тажриба йўл машина станцияси, Салар темир йўл масофаси, Жиззах темир йўл масофаси, Темир йўл мониторинги ва диагностикаси маркази, “Йўлэлектромеханика устaxonалари” масъулияти чекланган жамияти, “Темирийўлтаъмин” масъулияти чекланган жамияти, “Темирийўлкарго” акциядорлик жамияти ишчи-ходимлари ўртасида шашка ва дартс спорт мусобақалари ташкил этилди.

Қизикarli спорт мусобақаларида Ховос электр таъминоти, Ховос сигнализация ва алоқа масофаси, Тошкент темир йўл масофаси, “Ўзбекистон” локомотив депоси, “Йўлрефтранс”, “Темирийўлкарго” акциядорлик жамият-лари ишчи-ходимлари совринли ўринларни эгалладилар.



САЁХАТ ҚИЛИНГ!

Қишки саёхатлар бугунги замон сайёҳлари орасида тобора оммалашиб, уларнинг сеvimли танловига айланиб бормокда. Tripadvisor.ru сайтининг “Қишки саёхат индекси”га кўра, бу мавсумда сайёҳлар анча фаоллашган: уларнинг 60 фоизи қишки таътилни режалаштирмоқда, жой банд қилиш эса ўтган йилга нисбатан 45 фоизга ортган.

ШАРҚИЙ ОНАДЎЛУНИНГ ЯШИРИН ХАЗИНАЛАРИ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

Туркия йил давомида бетақор саёхат имкониятларига бой бўлиб, қиш мавсумида дам олиш ва шаҳар маданиятини кашф қилиш учун энг жозибали манзиллардан биридир. Айниқса, мамлакатнинг Шарқий Онадўлу қисми тарихий мероси ва ўзига хос гастрономик анъаналари билан сайёҳларни ўзига ром этади. Бу ҳудуд қадим тарих руҳини ҳис қилиш, нафис таомлардан баҳраманд бўлиш, кўзни қамаштирувчи манзаралардан завқ олиш ва минтақанинг бой маданий меросини ўзида мужассам этган самимий, меҳмондўст маҳаллий аҳоли билан танишиш имконини беради.



Карс: ўрта асрларга саёхат

Карс — Туркиянинг қиш мавсумидаги энг жозибали дурдоналаридан бири. Шаҳар машҳур Шарқий экспресс йўналиши бўйлаб жойлашган бўлиб, ноёб меъморчилиги, бой маданий мероси ва гўзал манзаралари билан ажралиб туради. Айниқса, Чилдир кўли ҳамда кристалл қорлари билан донг таратган Сарикамиш тоғларидаги қишки манзара Карснинг кўркіга кўрк қўшади.

Шаҳар атрофидаги мафтункор манзиллардан бири — ЮНЕСКО Бутунжаҳон меросига кирган Ани мажмуаси. У Шарқий Онадўлунинг энг йирик археологик ҳудуди ва ўрта аср шаҳарсозлигининг ёрқин намунаси сифатида тарихий аҳамиятга эга. “Минг бир черков шаҳри” номи билан машҳур бўлган ушбу маскан бир вақтлар Ипак йўли бўйлаб муҳим маданий, сиёсий ва савдо маркази бўлган. Бугун эса унинг харобалари ўтмишда яшаб ўтган христиан ва мусулмон сулолаларининг бой меросидан ҳикоя қилади. Шунингдек, Карс Туркиянинг етакчи пишлоқ етиштириш марказларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Карс ва Грюйер пишлоқларидан татиб кўриш, шунингдек, Карс пишлоқ музейига таширф буюриш мумкин.

Ағри: Усмонли улугворлигининг тимсоли

Ағри шаҳри тарихий ёдгорликлар ва табиий гўзалликларга бой масканлардан бири. Шаҳарни машҳур қилган иншоот — Ишҳок Пошо саройи. Усмонлилар давriga мансуб бу сарой Истанбулдаги Топкапи саройидан илҳомланиб қурилган бўлиб, унда усмонли, форс ва салжук меъморчилиқ услублари ўзаро уйғунлашган.

Сарой ҳақиқий мажмуа сифатида барпо этилган: унда масжид, мадраса, ҳаммом, ошхона, хатто зиндонлар ҳам мавжуд. Унинг энг ҳайратланарли жиҳати — марказий иси-тиш тизимининг мавжудлиги. Бир вақтлар печларда иситилган сув қувурлар орқали оқиб, бутун саройни совуқ қишларда иситиб турган.

Салжуқийлар давридан қолган ёдгорликларни кашф қилинг

Битлис табиий гўзаллиги ва қадим тарихи билан ажралиб туради. Ван кўли бўйида жойлашган гўзал Татванда Битлис асали ва маҳаллий пишлоқлардан тайёрланган тўйимли нонушта билан кунни бошлашнинг завқи бўлакча. Аҳлат шаҳри тарихи Урарту давriga бориб тақалса-да, унинг энг нодир мероси — Салжуқийлар давriga оид мазор тошларидир. Бу ёдгорликлар Онадўлудаги илк туркий даврнинг энг ажойиб намуналаридан бўлиб, ўша давр безак санъати ва тош уймакорлигини яқиндан ўрганиш учун бебаҳо манба ҳисобланади.

Ақдамар ороли ва Ақдамар черкови: Ван кўлининг ноёб марваридлари

Ван шаҳри — Туркиянинг энг катта кўли бўлмиш Ван кўли соҳилида жойлашган бўлиб, бир вақтлар Урарту подшолигининг пойтахти бўлган. Кейинчалик форс ва Усмонлилар каби кўплаб цивилизацияларга мезбонлик қилган.

Ван кўлидаги энг йирик тўртта оролдан бири Ақдамарда ажойиб черков сақланиб қолган. Тошли қоялар бағрида жойлашган Ақдамар черкови Васпуракан қироллари учун палатин черков сифатида қурилган ва ўрта асрларнинг катта диний маркази бўлган. Бугун бу ёдгорлик нафис тош уймакорлиги ва ранг-баранг фрескалари билан миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Уларнинг кўплари Марказий Осиё турк санъати таъсирида яратилган.

Шукрулло ИСРОИЛОВ: “ТИНЧЛИК БОР ЖОЙДА ФАРОВОНЛИК ВА БАРАКА БЎЛАДИ”

Халқимиз орасида таниқли қизиқчи, сўз уста-ларидан бири бўлган Шукрулло Исроилов 1970 йил 14 январь кун Тошкент шаҳрида туғилган.



ёки кимдир совға қилгандир ёки умуман хаёли бошқа жойдадир. Албатта, концертга келган томошабинларнинг аксарияти чин дилдан, маза қилиб қулишади. Айрим пайтларда эса кулдира олмаган ҳолатларимиз тўйларда кўпроқ учрайди. Чунки тўйда меҳмонлар кўпинча овқат билан овора бўлади ёки хаёли саҳнада эмас. Шу сабабли у ерда вазият бошқачароқ кечади. Лекин концерт ва томошаларда барибир, залда кулги муҳити бўлади. Ҳар ҳолда, кўлдан келганича барча томошабинни кулдиришга ҳаракат қиламиз.

— Шукрулло Исроилов ҳаётда шу давргача нималарни йўқотди-ю нималарга эришди?

— Шу вақтгача ҳаётимда оғир йўқотишлар бўлди. Икки нафар энг яқин инсонларимдан айрилдим: аввал онажонимни, ундан кейин жигарим — укамни йўқотдим. Биз оилада икки ўғил эдик, ҳозир эса ёлғиз қолдим. Ота-онам ҳам, жигарларим ҳам ораимизда йўқ. Эришганларимга келадиган бўлсам, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Маданият ва санъат фидокори” кўрак нишони билан тақдирландим. 2021 йилда эса муҳтарам Президентимиз томонидан “Дўстлик” орден берилди. Шу ютуқлар орқали муайян обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлдим. Яратган эса ўз назаридан қолдирмасин, деб доим дуо қиламиз.

— Ҳаётда чин дўст борми? Сизнингча, у ким?

— Чин дўст ҳақида очик айтадиган бўлсам, илгари чин дўстлар кўпроқ эди, ҳозир эса улар камайгандек. Албатта, менинг ҳам чин дўстларим бор. Лекин энг ҳақиқий дўстлар — бу синфдошлар, деб ҳисоблайман. Чунки синфдошлар сени ҳали ҳеч ким бўлмасиндан, нолдан бошлаб билади. Ёшлиқдан бирга ўсган, бир мактабда ўқиган, бир партада ўтирган дўстлар чин дўст

қўшиласанми?” дедилар. Ўшанда жуда хурсанд бўлиб, Мирзабек акамнинг таклифини қабул қилганман. Шу тарика Мирзабек акам, Валижон ва мен учовимиз “Мирзо” театriga асос солганмиз. 1995 йилдан бери бирга ишлаб келямиз. 1995 йилдан 2017 йилгача ҳар йили янги концерт дастурлари билан томошабинлар олдиға чиққанмиз, доимий равишда янги ижод қилганмиз. Ҳозирда “Дизайн”, “Миллион”, “Браво” каби кўплаб ёш гуруҳлар фаолият юритмоқда. Албатта, улар ҳам ўз йўлида. Аммо биз ўша йилларда концертларга жуда катта тайёргарлик кўриб, юқори савияда томошалар қўйганмиз. Масалан, 1998 йилда “Панорама” залида йигирма кун давомида кетма-кет томошалар намойиш этганмиз. Бу меҳнат ва ижодга бўлган жиддий муносабатимизнинг натижаси эди.

— Репертуарларни қаердан оласиз: ҳаётданми ёки ўйлаб топиладими?

— Албатта, ҳаётдан. Кейин даврларда ўтирганмизда санъатни яхши кўрадиган инсонлар турли қизиқарли воқеалар ёки латифалар айтиб беришади. Ана шу воқеаларни олиб, уларга сайқал бериб, халқимизга тақдим қиламиз. Очигини айтсам, бизда ҳажвий асарлар ёзадиган махсус ёзувчилар деярли йўқ, бу эса жуда афсусланарли ҳолат. Масалан, Россияда қизиқчиларнинг ҳар бирига алоҳида муаллифлар ёзиб беради. Бизда эса қизиқчиларнинг ўзи ҳам бармоқ билан санарли. Шунинг учун ўзимиз ижод қиламиз, ўзимиз ҳаракат қиламиз. Айрим ҳолларда эшитган воқеаларимиз, ҳатто руслардан олинган айрим ҳажвий латифаларни ҳам ўзбекчилигимизга мослаб, сайқал бериб, томошабинга тақдим этамиз.

— Саҳнаға чиқиб, одамларни кулдира олмай қолган вазиятлар ҳам бўлганми? Бундай ҳолатда нима қиласиз?

— Албатта, бундай ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Шундай вазиятларга ҳам тушганмиз. Ана шундан кейин ўша дастур қайта кўриб чиқилиб, ўзгартирилади. Концерт пайтида асосан зал қулиб ўтиради, лекин орасида кулмайдиган инсонлар ҳам учраб қолади. Шу кулмай ўтирган томошабинларга қараб туриб, ўша жойнинг ўзида ҳам ҳазил қилиб юборган пайтларим бўлган. Лекин барибир кулмайдиганлар ҳам чиқади. Гоҳида ўйлаб қоламан: нега кулмаяпман? Балки билетни қимматга олгандир



Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ —
Умида ТҲҲИЧБОЕВА

Саҳифаловчи —
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир — Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темуру шохкўчаси, 4-уй.

Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Буюртма Г-1234 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

бўлади. Янги орттирилган дўстлар ҳам дўст, лекин чин дўстлик даражасига ҳар доим ҳам чиқарвермайди. Ҳақиқий чин дўстлар санокли бўлади. Мирзабек акамнинг чиройли гаплари бор: “Дўст бор — бойлигингга дўст, дўст бор — чиройли аёлингга дўст, дўст бор — мансабингга дўст”. Агар бир кун келиб барчасидан айрилиб, ёлғиз қолсангиз, ана шунда қайси бири чин дўст экани билинади. Яхшими, ёмонми, инсонга дўст керак. Эрта-индин уйингизда тўй ёки марака бўлса, атрофингизда қанча дўстлар кўп бўлса, шунча ҳурматингиз баланд бўлади. Шунинг учун дўстларни кўпайтириш керак.

— Темир йўл тадбирларида кўп қатнашгансиз. Байрамлар, очилиш маросимлари, касб байрамлари ҳақида таассуротларингиз қандай? Темирйўлчилар ҳақида нима дейсиз?

— Ўзбекистон темир йўлларига кўз тегмасин. Темирйўлчиларнинг тадбирлари жуда чиройли, юқори савияда ташкил этилади. Мен жуда кўп тадбирларда иштирок этганман. Охириги пайтларда вақт масаласи сабаб айримлариға боролмадим, лекин Темирйўлчилар байрамига тез-тез таклиф этишади. Бизнинг темир йўлларимиз жуда ривожланган. Айниқса, “Афросиёб” поездлари алоҳида эътирофга лойиқ. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Жанубий Корея билан тузилган шартномалар натижасида янги, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ҳам юртимизга келмоқда. Нафақат Ўрта Осиёда, балки МДХ давлатлари орасида ҳам “Афросиёб” поездлари энг илғорларидан бири, деб ҳисоблайман. Ҳатто хорижий сайёҳлар, айниқса, Россиядан келган меҳмонлар ҳам ижтимоий тармоқларда ўз юртидаги поездлар билан солиштириб, бизнинг темир йўлларимизга ҳавас билдиришади. Сабаби — тозалик, озодалик, қулайлик ва хизмат маданияти. Вагон қузатувчи йигит-қизларимиз ҳушмуомала, чет тилларни билади. Шу боис бизнинг темир йўлларимиз МДХ давлатлари орасида етакчи ўринда, деб ҳисоблайман. Илоҳим, темир йўлларимиз янада ривожланаверсин.

— Оилада фарзандларингиз ҳам санъат йўлидан кетишни исташса, руҳсат берган бўлармидингиз?

— Оиламда уч нафар фар-

зандим бор: икки ўғил, бир қиз. Ростини айтсам, фарзандларимнинг санъат йўлини танлашларига руҳсат бермаган бўлардим. Чунки санъатда нон топиш жуда қийин. Мен бу даражаға етишим учун жуда кўп қийналганман, кўп машаққатларни бошдан кечирганман. Шунинг учун фарзандларимни аввало ўқитишга аҳамият бердик. Бу борада аёлимнинг ҳам ҳиссаси катта. Аёлим Маъсудхон жуда ўқимишли, билимли аёл. У Тошкент давлат стоматология институтида катта ўқитувчи, “Чет тиллари” кафедраси мудири, фан доктори. Бир нечта китоблар муаллифи, лотин тили бўйича Ўрта Осиёдаги кам сонли мутахассислардан бири. Фарзандларимнинг барчаси олий маълумотли. Катта ўғлим Ҳумоюн Шарқшунослик ва Иқтисодиёт университетларини тамомлаган. Кичик ўғлим Фарҳоджон Москва шаҳрида нефть ва газ соҳасида тахсил олиб, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети битирган, кейин эса Россия Президент академиясини тамомлаб қайтган. Қизим Муштарийбегим эса Жаҳон тиллари университети битирган, ҳозирда турмуш қуриб, фарзанд тарбияси билан банд.

— Янги йил байрами муносабати билан юртошларимиз ва темирйўлчиларга тилақларингиз?

— Кириб келаётган 2026 йил ҳар биримиз учун файзли, баракали йил бўлсин. Аввало, юртимизга кўз тегмасин, Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин. Бизга бош бўлиб турган юртбошимизга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилайман. Энг муҳими, юртимизда доимо тинчлик бўлсин. Тинчлик бор жойда фаровонлик, барака бўлади. Халқимизнинг боши тўйдан чиқмасин, байрамлар, қувончли кунлар кўпайсин. Ҳеч ким касал бўлмасин, беморларга Яратган шифо ато этсин. Санъаткорларнинг нияти ҳаммаша яхши — тўй бўлсин, хурсандчилик бўлсин деймиз. Чунки халқимизга тўй қилиш ярашади. Барча юртошларимни, хусусан, “Темирйўлчи” газетаси мухлис-ларини кириб келаётган Янги йил билан самимий табриклайман. Янги йилингиз муборак бўлсин, барчангизга соғлиқ-саломатлик тилайман.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200